O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Андижон вилояти

Андижон вилояти 170100, Andijon Shahri, A.Navoiy shox ko'chasi 30-uy. Tel/Faks (374) 223-57-82, E-mail: ekspert-2312@mail.ru. www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Директор: MASHRAPOV AXRORBEK AKRAMOVICH
Сана: 26-02-2021 йил

ЙИҒМА ЭКСПЕРТ ХУЛОСА № 3290

Объект номи «Қўрғонтепа тумани тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (50 ўринли болалар бўлими ва қабул диагностика бўлимини собиқ туғруқ комплекси биносига жойлаштириш ва ёрдамчи бинолари)»

Буюртмачи – Андижон вилояти хокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси”
Бош лойиҳачи - «Андижонфуқаролойиҳа» МЧЖ
Лицензия АЛ-000941 21.06.2020 йил. чексиз-сонли, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги
Молиялаштириш манбаи - Давлат бюджети маблағлари хисобидан
Бош пудратчи – тандов савдолари асосида.
Қурилиш тури: Қайта қуриш (реконструкция)
Мурожаат раками: № 2668

1. Лойиҳалаш учун асос.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 28 декабрдаги ПК-4936-сонли қарори.

Қўрғонтепа туман ҳокимининг 2010 йил 05 июндаги №442-к сонли қарори.

Андижон вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан 2016 йил 4 февралдаги №9-02* сонли АРТ 1-2 хужжати муддати (узайтирилган).

Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан тасдиқланган ҳамда Андижон вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи томонидан келишилган 2021-йилдаги лойиҳа олди топшириғи.

Андижон вилоят қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси томонидан 18.05.2010 йилда берилган №ТХ-084-10 сонли хулоса.

Буюртмачи томонидан тасдикланган нуксонлар далолатнома

2. Экспертиза учун тақдим этилган материаллар.

Лойиханинг таркибий қисмларининг рўйхатига мувофик ишчи лойиҳа босқичида тўлик лойиха смета хужжатлари.

Руҳсатномалар ва келишув хужжатлар жамламаси, умумий тушунтириш китоб тарзида

3. Лойиҳа ечимларининг қисқача мазмуни.

Қурилиш майдони тафсилотлари:

Ташки хавонинг минус 16 С ли курилиш тумани

Қордан тушадиган юк -50 кг/м2

Шамолнинг таъсир кучи -38 кг/м2

Ёзги хисобий хавонинг иссиклик харорати +33є С.

Мухандислик геологик кидирув ишлари 2010 йилда «OZGASHKLITI» ДУК Андижон филиали томонидан бажарилган хулоса.

Бош режа:

Реконструкция қилиниши режалаштирилаётган "Қўрғонтепа ТТБ *(50 ўринли болалар бўлими ва қабул диагностика биносини собиқ туғруқ комплекси биносига жойлаштириш билан реконструкция қилиш, ёрдамчи биноларни янги қуриш)* объектлари Қўргонтепа туманида "Савай" МФЙ ҳудудида жойлашган.

Майдон чегаралари шимолдан- Ибн Сино кўчаси, шарқдан-мавжуд кўча билан, ғарбдан- спорт мажмуаси худуди билан, жанубдан- аҳоли уйлари билан чегараланган.

Бош режага асосан куйидаги бино ва иншоотлар жойлашган; мавжуд 50 ўринли болалар касалликлари бўлими биноси, лойихавий ёндош дорихона биноси, лойихавий ташхис-қабул маркази ва тиббий ёрдам "03" бўлимлари биноси, 6 ўринли хожатхона, 5 та автомашина учун гараж, кир ювиш ва овқат тайёрлаш биноси, кововулхона биноси, кўмир саклаш омбори ва ховли қурилмалари жойлашган. Худуддаги ёмгир ва сугориш сувлари очик холдаги бетон лотоклар оркали худуддан ташкарига чикарилади.

Меъморий ва конструктив ечимлари:

Мавжуд "Туғрук бўлими" биноси 2- қаватли. темирбетон синчли ва темирбетон устунли «Г» шаклида ўлчамлари 43,0х12,0м; 9,0х20,6м. Баландлиги полдан шифтгача 3,0м ни ташкил этади.

Ишчи лойихада мавжуд бино 50 койкали болалар касалликлари бўлимига реконструкция килиниши кўзда тутилган.

Мавжуд бино реконструкция килинганидан сўнг бинонинг 1-чи қаватида қуйидаги хоналар кўзда тутилган: вестибюль, руйхатга олиш хонаси, кутиб туриш хонаси, зинапоя катаги, йўлак, ҳамширалар учун пост, кабул килиш хонаси кўрув хонаси билан, санитар ўтказгич, аёл ходимлар учун хожатхона, аёллар ва эркаклар хожатхонаси, 4та уч ўринли хона, 1та бир ўринли хона, катта хамшира хонаси, тоза кийим-кечак хонаси зинапоя катаги, йулак, маъмурий бўлим қабулхонаси, бош врач хонаси, бош врач ўринбосари хонаси, хожатхона, ювиниш хонаси, йўлак, бош хисобчи хонаси, иқдисодчи хонаси, 2та ҳисобхона, кадрлар булими билан юрист хонаси ва зинапоя.

Мавжуд бино реконструкция қилинганидан сунг бинонинг 2-чи қаватида қуйидаги хоналар кўзда тутилган: йулак, фойе, 3та турт ўринли хоналар, 2та уч ўринли хоналар, 7та икки ўринли хоналар, 6та бир ўринли хоналар, овкатланиш хонаси, ёрдамчи хона, дезпост, эркаклар ва аёллар учун хожатхоналар, омборхона, зинапоя жойлашган.

Ишчи лойихада мавжуд бинога ёндош аптека биносини қуриш кўзда тутилган.

"Дорихона" биноси - 2-қаватли, М75 русумли ғиштдан, М50 русумли қоришмали, темир бетон ўзак ва қуйма яхлит темирбетон белбоғли ўлчамлари 12,0х12,0м. Баландлиги полдан шифтгача 3,0м.

Бинонинг 1-чи қаватда фойе, қадоклаш хонаси, автоклав хонаси, зарарсизлантириш хонаси,

ёрдамчи хона, куритиш хонаси, дистиллация хонаси, ювиш хонаси, зинапоя катаги, йўлак, ҳожатхона ювиниш хонаси билан, дахлиз, ходимлар хонаси, бўлим бошлиги хонаси, ассисент хонаси жойлашган.

Бинонинг 2-чи қаватида тиббиёт асбоб ускуналарини сақлаш хонаси, суюк дорилар саклаш хонаси, зарасизлантириш воситалари саклаш хонаси, тиббиёт асбоб ускуналарини саклаш хонаси, шиша идишлар саклаш хонаси, йулак, хожатхона ювиниш хонаси билан, дахлиз, дор-дармонлар саклаш хонаси (совутгичли хона), захарли ва наркотикли дори моддаларни саклаш хонаси, тайёр дори воситаларини сақлаш хонаси, спиртли, мойли ва бошка дори воситаларини сақлаш хонаси.

Лойихавий "Ташҳис-қабул маркази ва тез тиббий ёрдам«03» хизмати" биноси - 2қаватли ертўлали, қоришмали, темир бетон ўзак ва қуйма яхлит темирбетон белбоғли ўлчамлари 28,8х12,0м. Баландлиги полдан шифтгача 3,0м.

Бинонинг 1-чи қаватида вестибюль-кутиш жойи, руйхатга олиш хонаси, УЗИ хонаси, кардиолог хонаси, ЭКГ, ЭХО кардиограмма хонаси, ренген хонаси, бошкарув хонаси, дахлиз, ренгенолог хонаси, зинапоя катаги, эркак ва аёл ходимлар хонаси, эркак ва аёл ходимлар хонаси ювиниш ва хожатхонаси билан, ошхона, нозимлмк хонаси, ката хамшира хонаси, тиббиёт дори воситалари ва анжомлари омборхонси, врач хонаси, йулак жойлашган.

Бинонинг 1-чи қаватида, булим мудири хонаси, катта хамшира хонаси, мажлислар зали, эндоскопия муолажа хонаси, врач хонаси, невропатолог хонаси, ЭЭГ хонаси, хужалик хамшираси хонаси, кийиниш-ечиниш хонаси, терапевт хонаси, қон олиш хонаси, қон тахлили хонаси, сийдик олиш хонаси, сийдик таҳлили хонаси, тиббиёт идишларни ювиш хонаси, ювиниш хонаси ва хожатхона, лаборатория, ИФА хонаси, йўлак, зинапоя катаги жойлашган.

Лойихавий овкат тайёрлаш ва кир ювиш" биноси - 1 каватли М75 русумли ғиштдан, М50 русумли қоришмали, темир бетон ўзак ва қуйма яхлит темирбетон белбоғли 21,0х6,0м ўлчамли. Баландлиги полдан шифтгача 3,0м.

Бинода дахлиз, сабзавотлар омбори, ошхона идишларини ювиш хонаси, иссик овкат тайёрлаш хонаси, ифлосланган кийим-кечак ва чойшабларни қабул қилиш ва саралаш хонаси, ювиш цехи, қуритиш-дазмоллаш хонаси жойлашган.

Бинонинг асосий конструктив элементлари куйидагича: Асос ва асос девори - В-15маркали бетондан, тасмасимон ва темирбетон устун остидаги алоҳида турувчи. Девор-М75 русумли, II тоифали, М-50 русумли коришмада, калинлиги Т=380мм ли. темирбетон узак, синч ва устунлар билан кучайтирилган, оралик деворлар, бурчак кесишмалари СГ-1 русумли сим тўр билан қуйтирилган. Устунлар-қуйма яхлит темирбетон В25 русумли бетон коришмадан. Ёпмалар-йигма ғовакли темир-бетон плиталар УТР 46.2-95 вып.1.серия буйича. Зинапоялар-йиғма темир-бетондан 1.050.1-2 вып.1. серия бўйича. Том ёпма-чордоқли ёғоч конструкцияли, полимер копламали 0,51 мм ли профнастилдан иборат. Иссиклик ҳимояси-минпилитадан. Эшик ва дераза-МДФ ва ПВХ русумли пластикдан. Пол- 2.244-1 в.4 серия бўйича. Парда девор- 1200 қаликда гиштдан. Ташки ва ички пардозлаш-ишчи лойиҳага асосан бажарилади. Поллар - вестибюл «керамогранит» плиткалардан; йулакларда 2,0мм ли релиндан; зинапоя катакларида «керамогранит» ёки «агломерат» плиткалардан; хоналарда 1,7мм ли релин пол кўзда тутилган. Отмостка-шағал тўшамали қуйма бетон қоришмадан иборат.

Лойихавий 5та машина учун гараж ва ҳайдовчилар дам олиш хоналари" биноси - 1 қаватли, темир бетон ўзак ва қуйма яхлит темирбетон белбоғли 8,0х6,0м ўлчамли. Баландлиги полдан шифтгача 3,0м ва 4та машина учун металл конструкцияли бостирма 14,05х6,0м. Баландлиги полдан шифтгача 3,0м.

Лойихавий “Қоровулхона” биноси - 1 қаватли коришмали, темир бетон ўзак ва қуйма яхлит темирбетон белбоғли 4,0х4,0м ўлчамли. Баландлиги полдан шифтгача 3,0м. Бинода ўтказиш пункти ва қоровулхона кўзда тутилган

Лойихавий “6 ўринли Ҳожатхона” - биноси 1 қаватли қоришмали, темир бетон ўзак ва қуйма яхлит темирбетон белбоғли 4,8х4,4м ўлчамли. Баландлиги 3,0м.

Лойихавий “Кумир сақлаш омбори” - 1 каватли қоришмали, темир бетон ўзак ва қуйма яхлит темирбетон белбоғли 30,0х12,0м ўлчамли, Баландлиги полдан шифтгача 4,2м. Бинода кумир заҳираси сақлаш омбори жойлашган.

“ПНУ” биноси - 1 қаватли қоришмали, қуйма темирбетон ўзак ва белбоғли 2,8х2,8м ўлчамли. Баландлиги полдвн шифтгача 3,0м.

«Кургонтепа ТТБ биноларини реконструкция килиш» ишчи лойихасида қуйидаги иш турларини бажариш кўзда тутилган: шифер томларни бузиб олиш; - ёгоч конструкцияли том конструкцияларини бузиб олиш; гишт карнизларни бузиб олиш; -куйма яхлит темирбетон белбог куйиш; гиштдан парапедларни уриш; том конструкцияларини урнатиш; стропила урнатиш; том тепа кисмида ва паст кисмида 25мм ли тахта тушама урнатиш; 0,51мм ли полимер копламали профнастил том ёпмалар копламасини ёпиш; ёгин сувларни окизиш учун 150мм ли тунукадан кувурларни урнатиш; Ёғин сувларини окизиш учун курилиш тунукасидан арикчалар урнатиш; том коплама ёгоч конструкцияларини куртлашга, чиришга ва ёнгинга карши кимёвий ишлов бериш; ёгоч, пластик дереазаларни бузиб олиш; ёгоч ва МДФ русумли эшикларни бузиб олиш; Биринчи қават ташқи деворларининг ички қисмида минвата (базальт) полиэтилен билан ўраб хона баландлиги бўйлаб қоплашни ва металл профилда гипсокартон билан қоплаш талаб этилади. Гиштли парда деворларни бузиб олиш; гиштли 120мм ли парда деворларни куриш; метал конструкция билан парда деворларни кучайтириш; пластикдан ПВХ русумли ойналарни ва ойнаости тахталарини урнатиш; МДФ русумли, пластикдан ПВХ русумли эшиклар ўрнатиш; курилиш рух тунукасидан дераза ларга ташки томонидан фартуклар ўрнатиш; линолеум, сопол плиткали ва бетон полларни бузиш; 50мм калинликда бетон полларни қуйиш; полларни 3 каватли коракогоз билан сув ва захдан химоялаш; цемент коришмали полларни куйиш; релин копламали полларни куриш; мармар плиткали полларни куриш; сопол плитали полларни куриш; пластик жаспаклар урнатиш; парда деворларни бузиш; гишт пардадеворлар куриш ва метал узаклар билан кучайтириш; эшик, дераза уринларини гишт билан уриб тулдириш; девор ва пардадеворлар юзасидан эски сувок ва буёкларни кучириб тушириш; девор ва пардадеворларни сувок килиш; девор ва пардадеворларни сувок устидан алебастр коришмаси билан пардозлаш; каватлараро ёпмалар темирбетон юзасидан эски буёкларни кучириб тозалаш. Қаватлараро ёпмалар темирбетон юзасини алебастр коришмаси билан пардозлаш; каватлараро ёпмалар темирбетон юзасини акрил буёги билан пардозлаш; деворлар, парда деворлар ва темирбетон устунлар акрил буёги билан пардозлаш; деворлар, парда деворлар ва темирбетон устунлар юзасини мойли буёк билан пардозлаш; деворлар, парда деворлар ва темирбетон устунлар паст кисмини мойли буёклаш; деворларни сопол плиталар билан пардозлаш; бинонинг цокол кисми сувокларини кучириш; Цоколь қисмини «керамогранит» плиталари билан пардозлаш;-бинонинг фасад кисмига минплитадан иссиклик ҳимояси катламини сим тур билан махкамлаб, каркаслари билан қоплаш; бинонинг фасад кисмини цемент коришма билан «травертин» услубида сувок килиш; иссиклик тизими кувурларини бузиб олиш; иситиш ускунасини бузиб олиш; иссиклик тизими полипропилен русумли кувурлардан урнатиш; ичимлик суви таъминоти кувурларини бузиб олиш; ичимлик суви кувурларини полипропилен кувурлардан урнатиш; сантехника асбоб ускуналарини бузиб олиб урнига янгисини урнатиш; электр сим ва кабелларини тўлик янгилаш. Шунинг билан бирга бинони ёнғин ҳавфсизлигига қарши, алоқалари лойиҳада кўзда тутилган.

4. Лойиҳаланаётган объектнинг муҳандислик таъминоти:

Иссиқлик таъминоти МК “KOZLUSAN-100» ва “KOZLUSAN-180» иситиш қозонидан кўзда тутилган.

Ичимлик сув таъминоти Қўргонтепа туман «Сувокова» филиали томонидан берилган 2015 йил 09 апрелдаги №267 ва 2016 йил 12 январдаги №005 сонли техник хулосаларига асосан амалга оширилади.

Электр таъминоти АХЭТК ОАЖ “Андижон худудий электр тармоклари” корхонаси томонидан 2016 йил 4 майдаги №31-08-39/94 сонли техник шарти оркали амалга оширилади.

Ташки Ёнғинга карши тадбирлар Қўрғонтепа туманидаги ИИБ ЁХБ томонидан 2015 йил 09 апрелда берилган №11/1-198 сонли техник шартга асосан амалга оширилади.

5. Лойиҳани келишилганлиги тўғрисида ҳужжатлар.

Андижон вилоят Қурилиш Бош бошқармаси Архитектура ва шахарсозлик кенгаши ишчи органининг 2021 йил 09 февралдаги №7730- сонли хулосаси.

Ўзбекистон ногиронлар жамияти Андижон вилоят бўлимининг 02.02.2021 йилдаги №16-сонли хати

6. Экспертиза натижалари.

Лойиҳани кўриб чиқиш жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар лойиҳа ташкилоти томонидан дастлабки лойиха чизмалари ва смета ҳисоб-китоблари тўғриланиб кайта тўлдирилди.

Ишчи лойихага асосан қурилиш-монтаж ишларининг якуний харажатлари буюртмачи ва пудрадчи томонидан қурилиш тугагандан сўнг, хакикий (ижро хужжатлари) назорат натижалари асосиди аниқланади.

Буюртмачи лойиҳавий хужжатларини тасдиклашдан олдин белгиланган тартибда барча манфаатдор ваколатли органлар билан келишиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 январдаги 15-сонли қарорининг 4-иловасига мувофик, II-боб 8-банд ва ШНК 1.03.06-13да «Давлат экспертизасига тақдим этиладиган шахарсозлик хужжатларининг сифати учун жавобгарлик буюртмачига (дастлабки маълумотларни лойхалаштириш жараёнида тақдим этилган дастлабки маълумотларнинг ишончлилиги буйича) ва ишлаб чикувчига (қабул қилинган лойиха қарорлари буйича) юклатилади».

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 396- буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 сентябрда рўйҳатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3180) билан тасдиқланган «Лойиха-тадкикод ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўгрисидаги» Низомнинг 4-бандига асосан лойиха ташкилоти томонидан қурилиш устидан муаллифлик назоратини ўтказишда, лойихаларни ишланма бошланишидан амалга тадбик этилишининг охиригача олиб бориладиган техникавий кузатуви амалга оширишда иштирок этади.

Тақдим этилган 15% ККС билан ҳисобланган умумий миқдори 9106844,309 минг сўмни ташкил килган. Экспертиза кўригидан сунг 202239,426 минг сўм курилиш материаллари, машина механизмлар харажатларидан, ускуна ва жихозлар харажатларидан, иш хажмларидаги узгаришлар объектнинг хисобланган кийматидан камайтирилди.

7. Хулосалар.

Ишчи лойиха; “Қўрғонтепа тумани тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш *(50 ўринли болалар бўлими ва қабул диагностика бўлимини собиқ туғруқ комплекси биносига жойлаштириш ва ёрдамчи бинолари),*объектини қуйидаги техника-иқтисодий кўрсаткичларига кўра кейинги

келишув ва тендер савдоларини ўтказиш учун тавсия этилади:

Қурилиш майдони	- 1972,6 м2
Умумий майдон	- 2580,44 м2
Қурилиш ҳажми	- 13173,9 м3
Меъёрий меҳнат сарфи	- 10268,65 киши/кун.
Жорий нархдаги тавсиявий (бошланғич)	
миқдори 15% ҚҚС билан	- 8904604,883 минг.сум.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003 йилдаги 261 сонли қарори ва ШНК 4.01.16-09 меъёрларига мувофиқ танлов савдоларини ўтказиш учун объектнинг қиймати буюртмачи томондан белгиланади. Тасдиқлаш учун тавсия этилган таъмирлаш ва қурилиш ишлари нархи бошланғич ҳисобланиб, асосий қарорни буюртмачи ва бош пудрад корхонаси томонидан шартномавий муносабатлар орқали амалга оширилади.

Бош мутахассис: Xaldarov Jur’at Alimdjanovich

Ishtirokchi ekspertlar:

Sultanov G‘afur Xashimovich

Abdurashidov Miryusup Kobulovich

Kaunova Marina Mixaylovna